



Янги 2024 йилнинг муборак бўлсин!



Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№52
(1486)
2023-YIL
28-DEKABR

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.me/uzbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ФАХР

МЕҲНАТЛАРГА БЕРИЛГАН ЮКСАК БАҲО



Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 декабрдаги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хайъати ва тегишли фан ихтисосликлари бўйича фаолият кўрсатаётган ҳақиқий аъзоларининг тавсиясига асосан 16 нафар олим Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб тасдиқланди.

Улар сафида Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти директори Мусабаев Эркин Исакович ҳам бор.

Бу, албатта, жорий йил учун мамлакатимиз тиббиёт тизимида кувончли

воқеа бўлди. Бир сўз билан айтганда, ўз касбининг фидойиси бўлган қаҳрамонимизга берилган юксак баҳо унинг йиллар давомида халқимиз саломатлигини асрашдек амалшаккатли хизматлари замиридаги амалий маҳсулидир.

Дарҳақиқат, академик Эркин Мусабаев ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги ва касбига бўлган садоқати билан ҳамкасблари ҳамда элимиз орасида обрў эътиборга сазовор бўлиб келмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, академик Эркин Мусабаевни ушбу юксак эътироф билан қутлаб, келгусидаги илмий-амалий фаолиятига муваффақиятлар тилаймиз.

ВАЗИР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ТАШАББУС ИЛГАРИ СУРИЛДИ

30 ёшгача докторлик диссертациясини ёқлаган илмий изланувчи ва унинг раҳбарига 30 миллион сўмдан, агар изланувчи аёл бўлса 50 миллион сўмгача пул мукофоти берилди



Эътирофлиси шундаки, Президентимиз мамлакатимиз ёшларини мукамал таълим олиши ва ўз касбига садоқат билан ишлаши учун кенг имконият эшикларини очиб бермоқда. Бу албатта, Янги Ўзбекистонимизнинг мустақкам пойдевори учун хизмат қила оладиган эзгу гоя ва мақсадларни ўзида мужассам этаётган келажакимиз равнақидир. Фахр ила айтиши жоизки, кейинги йилларда ёшларимиз бор истеъдодларини намойён этиб, дунё узра бўлиб ўтаётган фан олимпиадалари, қолаверса, спорт мусобақаларида юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, Янги Ўзбекистонимиз обрўсини жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини тарих зарварақларида муҳрлаб келмоқдалар.

Давоми 4-5 бетларда»

ТУРКИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Шу йилнинг 25-26 декабрь кунлари Туркиянинг Анкара шаҳрида Ўзбекистон ва Туркия ўртасида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 7-йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда иштирок этиш учун Туркияга жўнаб кетган мамлакатимиз делегацияси таркибидан Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги соҳа масъуллари ҳам жой олди. Ташриф давомида вазир Туркия Соғлиқни сақлаш вазири Фахреттин Кожа билан учрашув ўтказди. Унда яқунланиб бораётган 2023 йилда

мамлакатларимиз ўртасидаги тиббий ҳамкорлик сифат ва мазмун жиҳатидан мутлақо янги bosқичга кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Хусусан, жорий йилнинг август ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий дунё тиббиёт конгресси ва Туркий давлатлар ташкилотининг соғлиқни сақлаш вазирлари йиғилишида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболлари муҳокама қилинган эди. Анжуман доирасида ташкил этилган Ўзбекистон – Туркия тиббиёт форумида кўплаб ўзаро манфаатли меморандум ва келишувларнинг имзолангани эса икки қардош мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро ҳамкорликни

янада ривожлантиришга интилишидан далолат беради. Шу йил юртимизда Президентимиз ташаббуси билан очилган Ҳамширалар академиясида Соғлиқ билимлари университетининг “Ҳамширалик иши” факультетини фаолият бошлагани ҳам Ўзбекистон томонидан хурсандчилик билан қабул қилинди. Мамлакатларимиз етакчи тиббиёт марказ ва клиникалари мутахассислари, тиббиёт олийгоҳлари профессор-ўқитувчилари ўртасидаги алмашинувлар ҳам ўзаро алоқалар мустақкамланишига хизмат қилмоқда. Мулоқот давомида келгуси йилда ушбу кенг қўламли ҳамкорликни рақамлаштириш, кадрларни тайёрлаш, фармацевтика, юқори технологик амалиётларни кенг жорий этиш, академик алмашинув, тиббий таълим каби қатор йўнали-



шларда янада кенгайтириш бўйича аниқ режалар белгилаб олинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Маtbуот хизмати.

САРҲИСОБ: ТАҲЛИЛ, НАТИЖА ВА АМАЛИЙ ИШЛАР

Тугалланиб бораётган 2023 йил барча соҳалар қатори Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар ва ислоҳотларга бой бўлди. Кўплаб ижтимоий лойиҳалар, унутилмас воқеалар, халқаро даражадаги ҳамкорлик ва аҳоли саломатлигини яхшилаш йўлида қилинган ишларни бугун чин маънода тарих саҳифаларида муҳрлаш мумкин. Ушбу саҳифамиз орқали сизнинг эътиборингизга бир йил давомида амалга оширилган ишларнинг энг асосий воқеаларини ҳавола этамиз.

иборат навбатдаги парти-
яси хуудлардаги "Тез ёр-
дам" хизматларига тақдим
этилди.

11. Чилонзор тумани-
даги 39-сон оилавий поли-
клинанинг янги биноси
очилди. Эндиликда у 38 258
нафар аҳолига хизмат кўр-
сатади.

12. Президент Шавкат
Мирзиёев Тошкент шаҳри-
даги "M-Clinic" кўп тар-



1. Соғлиқни сақлаш ва-
зирлиги тизимида 2023 йил
"Коррупцияга қарши ку-
раш йили" деб эълон қи-
линиши муносабати билан
вазирликнинг расмий теле-
грам-боти – https://t.me/murojat_ssv_bot ишга ту-
ширилди. Ушбу электрон
платформа орқали қабул
қилинган ҳар бир мурожаат
киска муддатда ичида кўриб



ларида хизмат сафариди
бўлиб, кўплаб ҳамкорлик
алоқаларини ўрнатиш бўйича
икки томонлама келишувлар-
га эришди.

24. Республикада "Ҳам-
шира-2023" танловининг
республика босқичи юқори
сафияда ўтказилди. Белла-
шувнинг худудий босқичла-
рида биринчи ўринни кўл-
га киритган 14 нафар соҳа
ходими орасидан шаффоф
ва адолатли шарт ва мезон-
лар асосида саралаб олинган
уч нафар ҳамширага белги-
ланган мукофотлар тақдим
этилди.

25. "Hyatt Regency Tashkent"
меҳмонхонасида ўтаётган Соғ-
лиқни сақлаш вазирлиги ва Ре-
спублика перинагал маркази
ташаббуси билан "Перинатал
тиббиётдаги долзарб маса-
лалар" мавзусида II халқаро
илмий-амалий конференцияси
бўлиб ўтди.

26. Шу йилнинг 3-4 июнь
кунлари дунё сайқали-гўзал
Самарқанд шаҳрида Ўзбе-
кистон-Россия соғлиқни
сақлаш халқаро форуми бў-
либ ўтди.

27. Швейцариянинг Же-
нева шаҳрида Жаҳон соғлиқ-
ни сақлаш ассамблеясининг
76-сессияси бўлиб ўтди.
Унда Ўзбекистон Соғлиқни
сақлаш вазири Амрилло Ино-
ятов бошчилигидаги мамлака-
тимиз делегацияси ҳам қатна-
шди. Ассамблеянинг бу йилги
йиғилиши ЖССТнинг 75 йил-
лигига бағишланди.

28. Соғлиқни сақлаш ва-
зирлиги делегацияси Швей-
цариянинг Женева шаҳрида
Жаҳон соғлиқни сақлаш ас-
самблеясининг 76-сессиясида
иштирок этди. Ушбу ташриф
доирасида вазир Амрилло
Иноятов бошчилигидаги де-
легация бир қатор муҳим уч-
рашувлар ўтказиб, Ўзбеки-
стон соғлиқни сақлаш тизими
учун аҳамиятли бўлган маса-
лаларни муҳокама қилди.

29. Ўзбекистонда соғлиқ-
ни сақлаш ва таълим соҳаси
ходимларининг 77 фойзи
хотин-қизлар экани маълум
қилинди.

моқли тиббиёт марказини
бориб кўрди.

13. Жорий йилнинг 13-14
апрель кунлари пойтахти-
миздаги Hilton меҳмонхо-
насида Ўзбекистон-Ҳинди-
стон соғлиқни сақлаш
халқаро форуми бўлиб
ўтди.

14. Фарғона вилоят пери-
натал марказининг замона-
вий неонатал бўлими фой-
даланишга топширилди.

15. Гулистон шаҳри
"Инновацион медицина
хаби"га айлантирилади.
Президент Шавкат Мирзи-
ёев раислигида бўлиб ўтган
Сирдарё халқ депутатлари ви-
лоят кенгаши сессиясида шу
ҳақда маълум қилинди.

16. "Trilliant Tashkent" меҳ-
монхонасида "Ўзбекистон
соғлиқни сақлаш тизими
трансформацияси" мав-
зусидаги халқаро анжуман
бўлиб ўтди. Унда 700 нафар
қатнашчи офлайн ва 500 на-
фари онлайн тарзда ишти-
рок этди.

17. Тошкент шаҳрида-
ги тиббиёт клиникалари
шифокорларидан иборат
делегация Татаристон Ре-
спубликасининг Қозон
шаҳрида хизмат сафариди
бўлиб қайтди. Учрашувлар
яқинида бир қатор болалар
клиник шифохоналари би-
лан ҳамкорлик меморанду-
ми имзоланди.

18. Соғлиқни сақлаш
вазири Амрилло Иноятов
Қашқадарё вилоятига хиз-
мат сафари чоғида Помик
шаҳарчасида бўлиб, бу
ерда ўтказилган "Сало-
матлик сайли"да иштирок
этди.

19. Самарқандда Ўзбе-
кистон-Жанубий Корея
халқаро тиббиёт форуми
ўтказилди.

20. Боку шаҳрида Герма-
ния-Озарбайжон-Туркия
олтинчи тиббиёт Конгрес-
си бўлиб ўтди. Унда 60 га
яқин хорижий меҳмонлар
қаторида юртимиз делегаци-
яси ҳам фаол иштирок этди.
Унда Озарбайжон камин-
вазив жарроҳлик жамияти
президенти Гурбанхан Мус-
лимов "Ўзбекистон Респу-
бликаси Соғлиқни сақлаш
аълочиси" кўкрак нишони
билан тақдирланди.

21. Республика ихти-
сослаштирилган трав-
матология ва ортопедия
илмий-амалий тиббиёт
марказимизда жамоамиз
ходимлари ҳамда Россия
Республикаси Краснодар
шаҳридаги 1-сонли Кубан
клиник шифохонаси илмий
текшириш институти трав-
матология ва ортопедия
бўлими бошлиғи Олег Са-
бодашевский ҳамкорлигида
Марказий Осиёда биринчи
маротаба тизза бўғими ар-
трозида ва остеопоротик
катта болдир суягини юқо-
ри учлигидан синишида бир
вақтнинг ўзида эндопротез-
лаш ва остеосинтез, реви-
зион эндопротез ёрдамида
амалиёт ўтказилди.

22. Ўзбек ва ҳинд шифокор-
лари эпидемиология, микро-
биология, юқумли ва паразит-
тар касалликлар соҳасида
ҳамкорликни бошлади.

23. Ўзбекистон Соғлиқни
сақлаш вазири Амрилло Ино-
ятов бошчилигидаги делега-
ция Америка Қўшма Штат-



чиқилиб, уларга қонун дои-
расида тезкор ечим топиш
чоралари кўрилди.

2. Республика ихтисо-
слаштирилган кўз микро-
хирургияси илмий-амалий
тиббиёт маркази Наманган
филиали иш бошлади.

3. Давлатимиз раҳбари-
нинг топшириғига кўра,
ўрта тиббиёт ходимларини
тайёрлаш, уларнинг малака-
сини ошириш ва қайта тай-
ёрлаш тизимини тубдан та-
комиллаштириш мақсадида
Туркиянинг Соғлиқ билим-
лари университети билан
ҳамкорликда Тошкентда
Ҳамширалар академияси
ташқил этилади. Ўзбеки-
стон Соғлиқни сақлаш вази-
рлигида университет ректори
Жавдат Эрдол билан ўтган
мулоқот чоғида бу бўйича
келишувга эришилди.

4. Давлатимиз раҳбари-
нинг Сингапурга расмий
ташрифи арафасида бўлиб
ўтган Ўзбекистон-Син-
гапур бизнес-форумида
Соғлиқни сақлаш вазири
Амрилло Иноятов Нанян
технология университети
билан ҳамкорлик битими
имзолади.

5. Сиам эгизакларини
ажратиш олиш операция-

сида иштирок этган мута-
хассислар Соғлиқни сақлаш
вазири Амрилло Иноятов то-
монидан "Соғлиқни сақлаш
аълочиси" кўкрак нишони
ва ташаккурномалар билан
тақдирланди.

6. Тошкент давлат стома-
тология институти Исроил-
нинг "Рақамли стоматоло-
гия" ассоциацияси аъзоси
бўлди.

7. Президент Шавкат
Мирзиёев Фарғона шаҳрида-
ги "Meridian" тиббиёт мар-
казида яратилган шароитлар
билан танишди.

8. Тошкент тиббиёт ака-
демиясида Корея универ-
ситети президенти Жин Тэ
Чанг бошчилигидаги деле-
гация вакиллари билан бў-
либ ўтган мулоқотда тиббий
таълим йўналишида қўшма
дастурларни амалга ошириш
юзасидан келишувга эри-
шилди.

9. 2025 йилгача юрти-
мизда 227 та туғуруқ ком-
плекси, 46 та туманлараро
перинатал марказ тўлик
таъмирланади.

10. "Jizzakh Auto" томо-
нидан ишлаб чиқарилган
"Volkswagen Caddy" автомо-
билларининг 117 донадан

ТИББИЁТ ЙИЛНОМАСИ

САРҲИСОБ: ТАҲЛИЛ, НАТИЖА ВА АМАЛИЙ ИШЛАР

30. Самарқанд шаҳридаги "Silk Road Samarkand" мажмуаси Конгресс марказида Ўзбекистон-Германия халқаро соғлиқни сақлаш форуми бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ германиялик ҳамкорлар "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони, "Фахрий профессор" унвони ва ташаккурномалар билан тақдирланди.

31. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан оналик

36. Пойтахтимизда "Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат" мавзусида халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги бўлиб ўтди.

37. Республика шошлинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалнинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

38. Янги қарор: Оториноларингологик ва бош-бўйин касалликларини даволашнинг илғор усуллари жорий



ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказида яратилган шароитлар билан танишди.

43. Юртимизда бугунгача турли ёшдаги болаларда 50 га яқин буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилди.

44. "Trilliant Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистон-АҚШ соғлиқни сақлаш ҳафталиги доирасида йирик анжуман бўлиб ўтди.

мавзусида халқаро терапевтлар илмий-амалий форуми бўлиб ўтди.

48. АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессияси бўлиб ўтди. Унинг доирасидаги юқори даражадаги мажлисларда Соғлиқни сақлаш вазири А.Иноятов бошчилигидаги бир гуруҳ тизим масъуллари ҳам иштирок этди. Кун тартибидан тиббиётга оид қатор глобал масалалар ҳам жой олди.

49. Ўзбекистоннинг 8 та тиббиёт олий ўқув юрти TOP-1000галик рейтингга кириш учун даъвогар сифатида қайд этилди.

50. Ўзбекистон-Озарбайжон соғлиқни сақлаш декадаси бўлиб ўтди. Анжуман якунида Ўзбекистон-Озарбайжон соғлиқни сақлаш декадаси доирасида ўтказилган жаррохлик амалиётларида иштирок этган бир гуруҳ озарбайжонлик шифокорлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаккурномалари билан тақдирланди.

51. "Wyndham Tashkent" меҳмонхонасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вирусология илмий-тадқиқот институти, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон гепатологлар уюшмаси томонидан ташкил этилган "Тошкентда кузги гепатология мактаби" халқаро илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

52. "Соғлиқни сақлаш вазири кубоги-2023" спорт мусобақаларининг республика босқичига старт берилди.

53. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий кўмитасининг 73-сессияси бўлиб ўтди. Қозғистоннинг Остона шаҳри ушбу нуфузли тадбирда ЖССТ Европа минтақавий бюросига аъзо 53 та давлатнинг соғлиқни сақлаш тизими масъуллари, халқаро

ташкilotлар ва фуқаролик жамияти вакиллари жам бўлди.

54. Бухоро шаҳрида "Абу Али ибн Сино ва цивилизация" мавзусидаги 12-халқаро Ибн Сино ўқишлари илмий-амалий анжумани ўтказилди.

55. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ тиббиёт фидойилари ва уларнинг яқинлари ҳолидан хабар олди.

56. Сирдарёда татаристонлик шифокорлар иштирокида жаррохлик амалиётлари бўлиб ўтди.

57. Вазир ўтқир вирусли инфекцияларга чалинган беморларни самарали даволаш бўйича йиғилиш ўтказди.

58. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги делегация хизмат сафари билан Беларусь Республикасида бўлиб қайтди ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича келишувларга эришди.

59. Ўзбекистон травматологлари ютуқлари МДХ шифокорлари томонидан эътироф этилди. Россиянинг Москва шаҳри 10 дан зиёд давлатлардан делегатлар иштирок этган "Приоров ўқишлари" Бутунроссия Х илмий-амалий конференциясига мезбонлик қилди.

60. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов тиббиётимиз келажаги бўлган ёш мутахассислар билан учрашди. Офлайн ва онлайн тарзда ўтган анжуманда соҳадаги минглаб ёшлар, хусусан, чет элда таҳсил олаётган йигит-қизлар иштирок этишди. Тадбирда ёшларнинг ташаббуслари тингланди. Яқунланаётган йилда эришилган натижалар сарҳисоб қилинди. Шунингдек, келгуси 2024 йилда тиббиёт тизимида ёшлар билан боғлиқ амалга ошириладиган ислохотлар ҳақида маълумот берилди.

Намоз ТОЛИПОВ.



ва болалиқни муҳофаза қилиш йўналишида амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланган видеомулочот бўлиб ўтди.

32. Хитой компанияси мамлакатимизга сунъий нафас олиш аппаратлари тақдим этди. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида тиббиёт йўналишида кенг кўламли алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, коронавирус пандемияси даврида ушбу мамлакат мутахассислари ўзбек шифокорларининг яқин ҳамкорига айланган эди.

33. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Андижон вилоятига сафари чоғида Балиқчи туманида бўлиб, ҳудудда сифатли тиббий хизматни "маҳаллагача тушириш", тизимни одамларга янада яқинлаштириш борасида амалга ошириладиган ишлар билан яқиндан танишди.

34. Ўзбек шифокори Камолхўжа Эшназаров Корейнинг нуфузли тиббиёт институти профессори унвонига сазовор бўлди.

35. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Фарғонага хизмат сафари доирасида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят филиалининг интервенцион кардиология ва кардиохирургия бўлимлари янги биносини кўздан кечирди.



этилади.

39. Болалар миллий тиббиёт марказида "Она сути билан озиклантириш-саломатлик ва баркамол ривожланиш гаровидир" мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

40. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан эълон қилинган "Кексалар саломатлиги ойлиги" доирасида Республик микёсида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил этилди.

41. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, "Туркий цивилизация пойтахти" дея таъриф берилган кўхна ва ҳамшиша навқирон Самарқанд шаҳрида Туркий дунё тиббиёт Конгресси, Туркий давлатлар ташкилоти соғлиқни сақлаш вазирларининг йиғилиши ва Ўзбекистон-Туркия тиббиёт форуми бўлиб ўтди.

42. Президент Шавкат Мирзиёев Миллий тиббиёт маркази ҳамда Республика

45. Сеул шаҳрида Ўзбекистон-Корея бизнес форуми ўтказилди. Форумда тиббий сугурта, тизимни рақамлаштириш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда соҳага инвестицияларни жалб этиш каби қатор истиқболли лойиҳаларга бағишланган видеотақдимот ўтказилди. Бу эса кореялик ҳамкорларда катта қизиқиш уйғотди.

46. "Hyatt Regency" меҳмонхонасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш: дастлабки қадамлар сарҳисоби" мавзусида сиёсий мулоқот бўлиб ўтди.

47. Тошкент шаҳрида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан "Ички касалликларнинг долзарб муаммолари"

ВАЗИР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

30 ёшгача докторлик диссертациясини ёқлаган илмий изланувчи ва унинг раҳбарига 30 миллион сўмдан, агар изланувчи аёл киши бўлса 50 миллион сўмгача пул мукофоти берилди

◀**Давоми. Боши 1 – бетда**

Жумладан, мамлакатимиз тиббиёт тизимида ҳам ўзининг билими ва илмий салоҳияти билан халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёшларимизнинг борлиги, бу албатта, қувонарли ҳолдир. Бунинг ифодаси сифатида айтиш жоизки, жорий йилнинг **22 декабрь куни** пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов тиббиёт тизимидаги ёш раҳбар ва шифокорлар, шунингдек, талабалар билан учрашиб очик мулоқот олиб борди. Офлайн ва онлайн тарзда ўтган анжуманда соҳадаги минглаб ёшлар, хусусан, чет элда таҳсил олаётган йигит-қизлар иштирок этишди. Мазкур учрашувдан асосий мақсад – жорий йилда тиббиётда эришилган натижалар сарҳисоби ва истикболдаги режалар, тиббиётда фаолият олиб бораётган ва таълим олаётган



ган марказлар томонидан янги даволаш ва диагностика усуллари Марказда ва ҳудудларда татбиқ қилиш орқали, аҳолига тиббий хизматни янада яқинлаштирмоқда. Авваллари фақатгина чет элда бажарилган юқори технологик операциялар нафақат Тошкентда, балки вилоятлар марказлари, ҳатто, туманлар даражасида бажарилиши йўлга қўйилмоқда. Миллий тиббиётимиз тарихида илк бор роботхирургик амалиётлар татбиқ этилди. Мана шу юқори технологик жаррохлик амалиётларида айнан Сиз каби

бор ҳамшираларга олий таълим берувчи **Ҳамширалар академиясига асос солинди.** Унинг таркибида Туркия Соғлиқ билмлари университети билан қўшма факультет ташкил қилинди. Шунингдек, Ўзбекистонда илк бор талабаларга “Соғлиқни сақлаш вазири стипендияси” жорий қилинди. Шу ўринда таъкидлашим муҳимки, ҳурматли Президентимиз ёш мутахассисларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб бир қатор имконият, имтиёзлар бермоқдалар. Жумладан, тиббиёт йўналишида таҳсил олаётган, чет тилидан халқаро сертификатга эга бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш амалиёти йўлга қўйилди. Ёш иқтидорли шифокорларнинг ойлик маошларига 1 миллион сўмдан қўшимча устама берилмоқда. Олис ва чекка ҳудудларда фаолият юритиш учун борган мутахассисларга ҳар ойда 2 миллион сўмдан қўшимча маош, уй-жой берилиб, клиник ординатурага имтиҳонсиз қабул қилинмоқда. Фан номзодларининг ойлик маошларига 30 фоиз, фан докторларига 60 фоизгача қўшимчалар тўланмоқда. Бунинг баробарида жорий йилнинг ўзида 1200 нафардан зиёд мутахассисларнинг хорижда малака ошириши билан боғлиқ харажатлар вазирликнинг махсус фонди томонидан тўлаб берилди. “Эл-юрт умиди” **жамғармаси қўмағида** тиббиёт йўналишида 72 нафар ёшларимиз АҚШ, Германия, Япония, Франция, Корея, Туркия, Италия каби давлатлардаги университетларда бакалаврият, магистратура, резидентура ва доктарантурада таҳсил олмақда. Бундан ташқари, грант

асосида 200 нафардан зиёд ёшларимиз хорижий университет ва клиникаларда илмий изланишлар олиб борапти. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Соғлиқни сақлаш вазири очик мулоқотда иштирок этган барча ёшларга қарата қуйидаги саволни ўртага ташлади.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг

11 та тиббиёт олий таълим муассасалари ва 74 та тиббиёт техникумларида бепул тил ўргатиш марказлари ташкил этилади.

танпарвар, садоқатли ёшларни комил шахслар сифатида камол топишига қўмаклашишни юртимиз раҳбари устувор вазифа қилиб белгилаб берганлар. Вазиримиз юқоридаги фикрларни билдириб, ёшларга қарата ҳар бирингизнинг кўзингизда “Янги Ўзбекистон бунёдкори бўламан!”, “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга муносиб ҳисса қўшаман!”, деган юксак мақсадларни кўриб турибман, энг асосийси, олдимизда турган улкан вазифалар, юксак марраларни забт этишимизга сизлар қанот бўласизлар. Мен бунга ишонаман, дея ўз сўзида давом этди. Албатта, 2023 йилда ўтказилган ислохотлар ҳали бошланиши, келгуси 2024 йилда бизни улкан трансформация жараёнлари, мисли қўрилмаган янгилик ва юксак марралар кутиб турибди.

Шунингдек, ёшлар билан очик мулоқотда вазирликнинг Халқаро ҳамкорлик бўлими мутахассиси **Бобур Сабиров** Вазирнинг ёшлар масалалари бўйича вакили этиб



ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлди. Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов кириш сўзи билан очиб, тизимда амалга оширилган фаолиятларга қуйидагича эътибор қаратди.

– Охириги 7 йилда тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий хизматлар сифатини оширишда Давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборлари натижасида катта ўзгаришлар қилинди. Энг аввало, соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган маблағлар ҳажми 2016 йилга нисбатан 5 баравар оширилди (5,5 триллион сўмдан 30 триллион сўмгача). Ҳудудларда 2 мингта поликлиника, оилавий шифокор ва маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилди. Республика ихтисослаштирил-

ёшларнинг ҳам фаол иштироки мени қувонтирмоқда. Шунингдек, 2023 йил ўзбек тиббиётида ёшларга берилган кенг имкониятлар билан ҳам эсда қоларли бўлди, дея оламиз. Соғлиқни сақлаш тизимида муҳим трансформация жараёнлари амалга оширилмоқда. АҚШ, Германия, Туркия, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Венгрия, Озарбайжон, Россия, Беларусь билан ҳамкорликда форумлар, ҳафталиклар, ойликлар ўтказилди. Жорий йилда Тошкент тиббиёт академияси ва Бухоро давлат тиббиёт институтларининг янги бинолари фойданалишга топширилди. Юртимиздаги қатор тиббиёт олий ўқув юрлари хорижда ўз ваколатхоналарини очди. Ўзбекистон тиббиёт таълимида илк

Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати қайси эканлигини биласизми? Албатта, бу – 2016 йил 14 сентябрда имзоланган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун эди. Мазкур қонун ҳужжатида мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроги ёшлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга қилиб тарбиялаш, амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорликка тайёр, мақсадга интилувчан, серғайрат, ва-

тайинланди. У ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, бу борада тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди. Битирувчиларнинг ишга жойлашиши ва иш жойларида қўнимлигини таъминлаш юзасидан жамоатчилик назоратини йўлга қўяди ва мониторинг олиб боради

Шундай экан, юртимизга кириб келаётган Янги 2024 йилда ёшларга оид амалга ошириладиган ишларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Сизлар учун дастлабки 15 та янгилик, имтиёз ва имкониятларни эълон қиламан, – деди **вазир Амрилло Иноятов.**

ВАЗИР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

30 ёшгача докторлик диссертациясини ёқлаган илмий изланувчи ва унинг раҳбарига 30 миллион сўмдан, агар изланувчи аёл киши бўлса 50 миллион сўмгача пул мукофоти берилди

Биринчиси, АҚШнинг Вебстер университетида “Тиббиёт муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” дастури бўйича 50 нафар ўзбекистонлик ёш мутахассислар давлат ҳисобидан бир йиллик ўқишга юборилди. Улар ўқишни битиргач, тиббиёт бошқарув органлари, клиника ва марказларда раҳбар лавозимларига тайинланади.

Иккинчиси, 11 та тиббиёт олий таълим муассасалари ва 74 та тиббиёт техникумларида бепул тил ўргатиш марказлари ташкил этилади.

Учинчиси, олийгоҳ талабалари каби, энди тиббиёт тизимида ишлаётган ёшларда IELTS, TOEFL каби тил сертификатларига эга бўлганларни ҳар ойда 1 миллион сўм миқдорда рағбатлантирилиш механизмлари жорий этилади.

Тўртинчиси, ёшлар орасида (30 ёшгача) докторлик диссертациясини ёқлаган ҳар бир илмий изланувчига ва унинг илмий раҳбарига 30 миллион сўмдан пул мукофоти берилди. Агар изланувчи аёл киши бўлса 50 миллион сўм берсак, менимча адолатли бўлади.

Бешинчиси, Фан, таълим ва амалиётда инновацион янгиликлар яратган ҳар бир ёш мутахассис рағбатлантириб борилади. Масалан, дарслик ва адабиётлар яратгани, дори кашф қилгани, янги диагностика ва даволаш усуллари ҳамда юкоритехнологик амалиёт-

клиникаларида “Ёзги амалиёт мактаблари” доимий равишда ташкил этилади.

Саккизинчиси, иқтидорли 20 нафар магистрантларни Россия, АҚШ, Германия, Туркия, Корея, Франция, Япония университетларида 1 семестрдан кам бўлмаган муддатда академик мобиллик дастурлари жорий этилади.

Тўққизинчиси, ҳар йили 30 нафар докторантлар учун хорижий давлатларнинг илмий текшириш лабораторияларида вазирилик маблағлари ҳисобидан стажировкалар ташкил этилади.

Ўнинчиси, барча тиббиёт муассасалари бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан клиник ординатура ва магистратура талабаларини контрактлари тўлаб бериш орқали шифокорларга бўлган эҳтиёжини қоплаш амалиёти жорий қилинади.

Ўн биринчиси, Импакт фактори юқори бўлган хори-



на Қиёмованинг ташаббуси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан тўлиқ молиялаштирилган бўлди. Тошкент тиббиёт академиясининг 3-курс талабаси Маржона Қиёмова Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовга ўзининг ташаббуси ҳақида гапириб берди.

– Мана қандай ёшларимиз бор! Бу қизимиз ўқиётган йўналиши биз учун жуда муҳим йўналиш! Сиз қўтарган ташаббусни албатта қўллаб-қувватлайман! Шахсан ўз назоратимга оламан! – дея ваъда берди вазир Амрилло Иноятов.

Онлайн ва офлайн тарзда ташкил қилинган учрашувда 200 дан зиёд, Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётган ёш тиббиёт ходимлар, бўлғуси шифокорлар, тизим раҳбарлари иштирок этди. Учрашувда, вазир томонидан тор соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёжни қоплаш мақсадида, клиник ординатурада ўқиётган ёш тиббиёт ходимларини тўлов шартнома пуллари тулаб бериш, илмий иш билан шуғулланган, докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ҳар бир хотин-қизга 40 миллион сўмдан бир мартали мукофот пули бериш тўғрисида билдирилган таклиф ва ташаббус сирдарёлик ёшларга катта мотивация берди.

– Энг муҳими, вазир билан бўлиб ўтган, онлайн ва офлайн

ин тарздаги учрашувда яхши таклиф, яхши фикрлар илгари сўрилди, – деди Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг тиббий ёрдамни ташкиллаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Юсуф Мирхонов – Бу эса, албатта ёшларга катта куч, катта мотивация берди дея айта оламан. Сўнгги йилларда, Президентимизни тиббиёт соҳасига бўлган эътибори сабаб, ечим талаб бўлиб турган кўпгина муаммолар, айниқса, ёш кадрлар масаласи билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топа бошлади. Таълим олаётган талаблар сонини оширилгани, кўшимча квоталар, бу борадаги муаммоларнинг оқилона ечими бўлди. Асосийси, вазир бу борада ҳам ўз фикрини билдирди. Қувонарли томони, бугунги кунда Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш тизимида 200 дан ошқ ёшлар фаолият кўрсатаётган бўлса, 2024 йилда олий таълим муассасаларини битириб келадиган, тиббиёт соҳасида фаолиятини бошлайдиган ёшлар ҳисобига бу кўрсаткич 336 нафарга етади. Давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши сабаб, 30 нафар сирдарёлик ёш кардиолог, онколог, хирург, травматологиларимиз ўз йўналишлари бўйича, Россия, Германия, Беларусь, Туркия, Озарбайжон каби давлатларда бўлишиб, ўз тажрибаларини ошириб қайтишди. Икки нафар мутахассисмиз, яъни Республика шошилинч ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали хирургия бўлими мудири, хирург Алишер Ёриев докторлик, Гулистон тиббиёт кластери жарроҳи, олий тоифали хирург-лапараскопист Акматалиев Уралов номзодлик ишини ҳимоя қилди.

Бир сўз билан айтганда, вазир билан бўлиб ўтган онлайн ва офлайн тарзда ўтказилган учрашув соҳа ходимлари учун ниҳоятда фойдали бўлди. Ёш тиббиёт ходимлар, талаблар учрашув давомида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишди.

Ибодат СОАТОВА.



ларни жорий этгани, илмий кашфиётни амалиётга тадбиқ қилгани учун 50 миллион сўм мукофот берилди.

Олтинчиси, ҳар йили 500 нафардан ёш шифокор ва ҳамширалар чет давлатга малака оширишга юборилади.

Еттинчиси, 100 нафар бакалаврият ва 100 нафар техникум талабалари, 50 нафар магистр ва клиник ординатура талабалари хорижий университет

жий журналларда мақолалар чоп этиш учун зарур бўлган маблағлар қоплаб берилди.

Ўн иккинчиси, 8 500 нафар дояларни Туркия ҳамда Беларусь давлатлари стандартлари асосида бепул қайта тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунда ҳамширалар малака ошириш маркази ҳамда ҳамширалар Академияси масъул бўлади.

Ўн учинчиси, Германия-

нинг Фрайбург университет билан ҳамкорликда йилига 400 нафар ҳамширани Германиянинг йирик клиникаларида ишга жойлаштириш учун бепул махсус қайта тайёрлаш курслари ташкил этилади.

Ўн тўртинчиси, вазирилик тизимидаги барча таълим муассасаларида “Аълочи талаба” кўкрак нишони таъсис этилади.

Ўн бешинчиси, Вазир стипендиантлари сони 2 баробарга оширилади 22 та бўлади.

Очиқ мулоқотда вазири- миз томонидан киритилган таклифларга яна кўшимча тарзда айрим вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари тиббиёт институти ректорлари, халқаро ташкилот вакиллари ҳам ўз таклифларини беришди. Шунингдек, учрашувда иштирок этган ёшлар олдиларига қўйган мақсадлари ва таклифларини айтиб ўтишди.

Паркентлик талаба Маржо-

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Охирги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастурлари, турли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишининг янги тизими ташкил этилди.



логиялар кириб келяпти. Марказ олимлари олдида турган асосий вазифалардан бири эсана шу ютуқ ва тажрибалардан, мавжуд тиббий технологиялардан оқилона фойдаланишдир. Шу нуқтаи назардан чет эллик етуқ мутахассислар билан ҳамкорликда ўзаро тажриба алмашиш катта аҳамиятга эга. Бу борада чет эл клиникалари ходимлари билан олиб бораётган фаолиятларимиз ҳам самарали натижаларни бермоқда.

Жорий йилнинг 21-23 декабрь кунлари Россия Федерацияси Курган шаҳридаги асадемик Г. Илизаров номидаги травматология-ортопедия маркази бўлим раҳбари тиббиёт фанлари номзоди Каменский Андрей Владимирович маразмизга ташриф буюриб, маҳорат дарсларини олиб бориш билан бирга, муассасамизда даволанаётган беморларни тиббий кўрингдан ўтказди. Бунинг баробарида россиялик ҳамкасбимиз марказимиз олимларининг илмий-амалий ютуқ ва тажрибалари билан танишиб, марказимиз мутахассислари билан беморларда тизза бўғими артроскопияси,



эндопротезлаш бўйича юқори технологик операцияларда иштирок этиб, маҳорат дарсларини ўтказди.

Тиббиётдаги ўзаро ҳамкорликдаги амалий фаолият янги ғояларнинг мавжудлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилаётган инновацион технологиялар, илғор ташхислаш, муолажа усуллари, реабилитация соҳасига оид замонавий ёндашувлар борасидаги ўзаро фикр ва

тажриба алмашувлар долзарблиги билан касбий таълимни такомиллаштириб, амалий кўникмаларни янада бойитишда самарали ҳисобланади.

Андрей Владимирович чанок-сон ва тизза бўғимларини эндопротезлаш ишлари бўйича етуқ мутахассис ҳисобланади. Унинг берган консультациялари беморнинг даволаниш натижаларини юқори савияга кўтарилишига хизмат қилади.

Андрей Владимирович Навоий вилоятига ташриф буюриб, навоийлик касбдошларига касалликка ташхис қўйиш ва даволаш бўйича бир қатор ўз тавсияларини берди, ҳамкорликда 8 та жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Муроджон ПРИСМЕТОВ,

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизимини янада такомиллаштириш, профилакти-

ка ва касалликларни барвақт аниқлаш чораларини кўриш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Турли травматологик ва ортопедик касалликларга қарши кураш, уларни бартараф этишга қаратилган жарроҳлик амалиётларини ўтказиш борасида эришилган тажрибалар ҳам ортиб, янги тиббий техно-

МУҲИМ ЯНГИЛИК

ПАРКИНСОН КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ



дан 1-3 тасида (0,1-0,3%) кузатилади. Мамлакатимизда ҳам ушбу касаллик билан касалланганлар сони сўнгги вақтларда ортиб бормоқда. Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Нейрохирургия ва нейрореабилитация марказида паркинсон касаллиги билан беш йилдан бери оғриб келётган 63 ёшли беморнинг бош қисмига “чип” ўрнатиш орқали операция муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу мураккаб техно-

2023 йилнинг 26 декабрь кунин Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Нейрохирургия ва нейрореабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида Туркиянинг Медикал Парк клиникаси профессори Саид Ўзтүрк иштирокида мамлакатимизда биринчи марта паркинсон касаллигини жарроҳлик даволаш усули йўлга қўйилди.



Паркинсон касаллиги ҳозирги замон нейрохирургия ва неврологиясининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, дунёда ҳар 1000 та одам-

логияли операция мамлакатимиз нейрохирургиясида Паркинсон касаллигини хирургик йўл билан даволашдаги илк қадам бўлди.

Намоз ТОЛИПОВ.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

ҚАЛЬ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА

Мен Рўзибой Авизов 1949 йилда туғилганман. Айни пайтда Тошкент шаҳрида истикомат қиламан. Мана бир неча йилдирки, қандли диабет касаллигидан азият чекиб келардим. Менга азоб берган дардни аниқлаш ва ундан фориғ бўлиш учун Тошкент шаҳридаги 25-оилавий поликлиникага бордим. У ерда менга мазкур поликлиниканинг бош шифокори Феруза Эргашева ички касалликлар бўйича мутахассис шифокор Гулхумор Алломовага мурожаат қилишимни айтди. Шундан сўнг, мен мазкур оилавий поликлиниканинг ички касалликларни олдини олиш бўйича малакали ва тажрибали, қолаверса ширинсухан шифокор Гулхумор Алломовага учрашдим. Мени тиббий кўриқдан ўтказди. Керакли бўлган дори-дармон ва маслаҳатларини берди.

Мен ўз касбини чексиз ҳурмат қиладиган Гулхумор синглим каби шифокорга учраганимдан Яратганга минг бор шукроналар айтдим. Сабаби, Гулхумор Сафарбоевна ўзининг касбига бўлган садоқати, ҳар бир беморга бир хил муносабатда бўлиши, кенг билими, тажрибаси, ширин сўзи ва энг асосийси муолажа ва тўғри ташхиси билан бу ерга келган ҳар бир дардманнинг дуосини олиб келмоқда. Ана шундай шифо излаб келган беморлар орасида мен ҳам Гулхумор синглимдан даво топмоқдаман. У шифокорлик касбига садоқат билан халқ саломатлиги йўлида фидойилиги, бор билим ва тажрибасини амалда қўллаб, ҳар бир беморнинг руҳиятига қараб, алоҳида ёндашиши, айниқса шифо сўраб, дармон излаб келганлардан ўз маслаҳатини аямаслиги менда катта таассурот қолдирди. Бир сўз билан айтганда, узоқ йиллик тажрибаси, билим ва кўникмалари амалиётда қўллаб, бутун ҳаётини инсон саломатлигига бағишлаган десам айни ҳақиқатни айтган бўлардим. Очиғини айтганда, Гулхумор синглим ҳақида қанча таърифласам шунча оз.

Фурсатдан фойдаланиб, мен 25-оилавий поликлиниканинг барча қўли эм шифокорларига ўзимнинг чексиз ҳурмат ва эҳтиромимни ва шу билан биргалликда миннатдорлигимни билдириб қоламан. Сиздек олийжаноб шифокорлар бор экан, ҳар қандай шифо излаб келган беморлар ўз дардларига даво топишига аминман. Феруза ва Гулхумор синглим каби шарафли касб эгаларига мустаҳкам соғлиқ, оилаларига тинчлик, омонлик, эл-юртимиз соғлигини сақлашдек шарафли ишларида улкан зафарлар тилайман.

Рўзибой АВИЗОВ,
меҳнат фаҳрийси.

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

ТЕРАНОСТИКА – ДВА В ОДНОМ

В последнее время всё чаще можно услышать слово «тераностика». Об особенностях данного метода, о возможностях и перспективах диагностики и лечения онкологических заболеваний с помощью радиофармпрепаратов мы беседуем с заведующей отделением радионуклидной терапии Обособленного подразделения «Институт Ядерной Медицины» Химки, АО «Медицина» Светланой Кот.

– Светлана Ивановна, что такое радионуклидная терапия, чем она отличается от лучевой терапии? Насколько она распространена и каковы её преимущества?

– Радионуклидная терапия – особый вид лучевой терапии, который заключается во введении в организм пациента радиофармпрепаратов – внутривенно, внутривенно-капельно, перорально. Эти препараты воздействуют на патологические очаги, создают там высокие поглощённые дозы, вследствие чего происходит местное локальное облучение этих очагов.

При этом здоровые ткани повреждаются минимально, что значительно сокращает количество побочных эффектов.

Тогда как лучевая терапия обеспечивает локальное воздействие на какие-то определённые патологические очаги, радионуклидная позволяет воздействовать на все метаболически активные очаги одновременно. В этом её главное преимущество. Особенно это важно для лечения пациентов, у которых множественное метастатическое поражение, допустим, костей скелета – ведь каждый очаг облучить невозможно, а здесь препарат через кровь распространяется по всему организму и накапливается именно в патологических очагах.

Второе преимущество: минимальное воздействие на здоровые окружающие ткани и незначительное количество побочных эффектов. Плюс короткие сроки госпитализации: пациент может пройти такое лечение, как в режиме круглосуточного стационара (обычно не дольше суток); так и в режиме дневного стационара. И даже амбулаторно: не выходя из рабочего процесса пациент приходит в клинику, ему вводят препарат, и он в этот же день уезжает домой.

– Какие у вас применяются методы радионуклидной терапии?

– Мы используем все существующие на сегодня методы. Самый распространённый – радиойодтерапия с использованием йода 131. Этим методом уже больше 70 лет. Таким методом мы лечим пациентов с раком щитовидной железы, имеющих высокодифференцированные формы – папиллярную и фолликулярную.

Но мы занимаемся не только онкологическими заболеваниями РЩЖ; радиоактивным йодом мы лечим ещё и доброкачественные образования, которые сопровождаются тиреотоксикозами: узловой многоузловой, диффузно-токсический зоб и т.д.

При использовании этого метода и при лечении Самарием

пациенты находятся в круглосуточном стационаре, в закрытом режиме, т.е. находятся изолированно в специально оборудованных палатах.

Второй метод, – системная радионуклидная терапия с применением остеотропных препаратов. Она показана пациентам, имеющим костные метастазы, подтверждённые на ПЭТ/КТ или на остеосцинтиграфии. Такое возможно при любом онкозаболевании.

Для данного метода существует целый ряд РФП, и все, имеющиеся на российском рынке, у нас применяются.

– И третий метод – тераностика. Это приоритетное направление нашего института. Новый метод, который развивается в ядерной медицине очень бурно.

Его суть в том, что радиофармпрепараты используются для решения двух проблем: и диагностической, и терапевтической. Создаются так называемые тераностические пары для каждой нозологической формы, с которой мы работаем.

Одна из них – йод131 предназначена для РЩЖ. Сейчас такие пары создаются для лечения нейроэндокринных опухолей и для метастатического рака предстательной железы.

Надо сказать, в России пока нет метода лечения нейроэндокринных опухолей, но сейчас заканчиваются доклинические исследования и с 2024 года стартует протокол лечения. Мы намерены принимать на лечение таких пациентов; их пул достаточно большой, а сама тема очень актуальная.

Продолжаем терапию метастатического рака предстательной железы с лютецием 177-ПСМА; есть уже пациенты, которые успешно прошли курс.

– Насколько ваше отделение сейчас загружено и есть ли очередь на лечение?

– Наше отделение развёрнуто на 14 коек, причём палаты оборудованы не только с максимальным комфортом (от традиционного наличия интернета и ТВ до возможности пациенту ознакомиться с результатами лечения), но и с соблюдением норм радиационной безопасности (например, спецанализация и спецвентиляция).

Мы можем принимать в год примерно 2 тыс. 300 пациентов, пока загружены процентов на 60-70. Согласно протоколам все услуги пациент может получить вовремя.

– Эти услуги платные или есть возможность получить их по ОМС?

– Всё, кроме тераностики, пациенты из Московской области и из регионов могут олучить в рамках государственных гарантий.

– Каким образом пациент может попасть к вам на лечение?

– Как правило, пациент идёт на приём к онкологу, врач даёт ему направление по форме 057 на консультацию к радиологу, и он к нам записывается через колл-центр. Здесь мы смотрим, показана ли данному пациенту радионуклидная терапия, нет ли



противопоказаний. Если всё в порядке, определяемся со сроками госпитализации и начинаем готовить к ней пациента.

– Каковы дальнейшие перспективы внедрения этих методов в целом и работы отделения в частности?

– Как я уже говорила, со следующего года собираемся внедрить лечение нейроэндокринных опухолей с использованием препарата Лютеций 177 DOTATATE. Мы будем первыми, кто в России начнёт осваивать это перспективное новое направление.

Плюс также планируем работать с появившимся совсем недавно новым радиофармпрепаратом – актинием-225. Он ещё мощнее лютеция, поэтому применяется у пациентов, которые не ответили на терапию с лютецием.

А в целом, конечно, у всех методов – большое будущее, что подтверждается ежедневной успешной работой нашего отделения радионуклидной терапии Обособленного подразделения «Институт Ядерной Медицины» Химки, АО «Медицина».

Беседу вела

Алёна ЖУКОВА.

ПРОСТОЕ СРЕДСТВО ЗАЩИТЫ ОТ БОЛЕЗНИ АЛЬЦГЕЙМЕРА

Запор повышает риск развития болезни Альцгеймера в два раза. Такую связь между сниженной функцией кишечника и развитием дегенеративных заболеваний головного мозга установили корейские и японские ученые, проведя международное исследование на базе двух университетов.

Сначала связь между двумя этими состояниями была проверена на мышах. Грызунам добавляли в корм промоторный препарат лоперамид, чтобы замедлить функцию кишечника. Через некоторое время, помимо запоров, у животных появлялись проблемы с памятью. После было решено понаблюдать за людьми – гражданами Японии и Южной Кореи.

Затем ученые провели аналитическую работу, изучив истории болезни более 7,5 миллиона человек.

"В исследовании были проанализированы медицинские данные 3,13 миллиона граждан Кореи и 4,38 миллиона

граждан Японии, и было обнаружено, что болезнь Альцгеймера в 2,04 раза (у корейских участников) и в 2,82 раза (у японских) чаще встречается у людей с запорами, чем у людей без каких-либо расстройств пищеварения", говорится в исследовании, о котором рассказало издание Koreatimes.

"Исследование показало связь между перистальтикой кишечника и болезнью Альцгеймера с различных точек зрения благодаря сочетанию фундаментальных и клинических исследований. Исследование может подтвердить концепцию оси кишечник-мозг, которая представляет собой физическую и

химическую связь между центральной нервной системой и желудочно-кишечным трактом", - цитирует издание профессор Ким Тэ из Института науки и технологий Кванджу.

"Как связаны запор и деменция? Через белки бета-амилоиды. Они скапливаются в организме при регулярном застое кала и являются провокаторами развития болезни Альцгеймера", - комментирует выводы ученых российский врач, эндокринолог клиники МГУ, доктор медицинских наук Зухра Павлова.

Доктор Павлова отмечает, что из-за сидячего образа жизни, недостатка воды и малого количества клетчатки в еде запоры стали распространенным явлением.

"Для профилактики и лечения этого недуга часто достаточно просто добавлять определенные продукты в свой рацион", - пишет Павлова в своем Telegram-канале. Также, ссылаясь на зарубежные мега-исследования, доктор



инжир;
киви.

Можно также напомнить о полезном действии свеклы.

"Регулярное употребление этих продуктов – отличная профилактика и лечение расстройств пищеварения, но лишь при условии, что вы будете правильно питаться, в целом есть побольше овощей и фруктов, пить достаточно воды и много двигаться", - заключила доктор Павлова.

Ирина НЕВИННАЯ.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Янги 2024 йил

барчангизга катта имкониятлар
ва истиқболлар даври бўлсин!
Ҳар бир хонадонга фаровонлик
ва муваффақият, бахт ва
омад олиб келсин!

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Юртимизга кириб келаётган
Янги 2024 йил байрами
муносабати билан самимий табриклаймиз! Сизга
ва оилангизда ҳар доим тинчлик-хотиржамлик,
ўзаро меҳр-оқибат туйғулари ҳукмрон бўлсин!

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖОНАЖОН ХАЛҚИМИЗНИ
КИРИБ КЕЛАЁТГАН
ЭНГ ҚУВОНЧЛИ ВА
ШУКУҲЛИ БАЙРАМ –

ЯНГИ ЙИЛ

БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ.

ЮРТИМИЗ ТИНЧ,
ҲАЁТИМИЗ ҚУВОНЧУ
ШОДЛИККА ТўЛА Бўлсин!

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Янги йил байрами
муносабати билан Сизга чин қалбимиздан оилавий
бахт, тинч-тотувлик ва фаровон ҳаёт насиб этишини
ҳамда қувонч, бахт-саодат хонадонингизнинг
абადий меҳмониغا айланишини тилаб қоламиз!

ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ

“ТЕЗ ЁРДАМ”НИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИГА 100 ТА АВТОМАШИНАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Қутилмаганда тобимиз қочиб, ёрдамга муҳтож бўлсак ёки бирор кўнгилсиз ҳолат туфайли жиддий жароҳат олсак, энг аввало, “Тез ёрдам”га мурожаат қиламиз. Дарҳол “103” рақамини терамиз ва қарабсизки, оқ ҳалатли нажот фаришталари уйимизда ҳозир-у нозир бўлади. Уларнинг ўз вақтида кўрсатган биринчи тиббий ёрдами туфайли эса минглаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинади. Жиддий ва оғир асоратларнинг олди олинади.

Таъкидлаш лозим, дунёда турли юқумли касалликлар тез-тез тарқалаётган бугунги кунда беморлар ҳаёти ва соғлигини асраш, уларга шошилиш тиббий хизмат кўрсатишда “Тез ёрдам”нинг аҳамияти тобора ортди бормоқда. Шу боисдан Президентимиз тошпириғига асосан мазкур соҳа бутунлай трансформация қилинмоқда. Соҳанинг

моддий-техник базаси янгиланиб, кадрлар салоҳияти оширилди. Сир эмас. Бундан 7-8 йил аввал юртимизда тез тиббий ёрдам хизмати сифати ачинарли аҳволда бўлиб, “103” бригадаларининг манзилга кечикиб бориши, автотранспорт воситаларининг етишмаслиги, борлари ҳам талабга жавоб бермаслиги оддий ҳол эди. Бугун эса вазият бошқа-

ча. Соҳага қаратилаётган эътибор туфайли мамлакатимизда “Тез ёрдам” хизмати янги, сифат жиҳатдан юксак ва барча халқаро талабларга жавоб берадиган тизимга айланмоқда. Айниқса, соҳани барча қулайликларга эга бўлган замонавий автотранспорт воситалари билан таъминлаш борасидаги кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида мазкур йўналишда тиббий хизмат кўрсатиш сифати анчайин ортди. Келинг, рақамларга мурожаат қилайлик. Жорий йил январь ойида Республика тез тиббий ёрдам маркази автопарки юртимизда ишлаб чиқарилган 110 та “Volkswagen Caddy” тез тиббий ёрдам машиналари билан бойиди. Февраль ойида “Jizzakh Auto” томонидан йиғилган бу

турдаги автомобилларнинг 117 донадан иборат навбатдаги партияси худудларга етказиб берилди. Шунингдек, шу йил август ойида 50, сентябрь ойида 100, октябрь ойида 100, ноябрь ойида эса яна 108 дон “Volkswagen Caddy” русумидаги тез тиббий ёрдам машиналарининг янги партияси эҳтиёжга қараб Республика тез тиббий ёрдам марказининг худудий филиалларига тақдим этилди.

Янги йил байрами арафасида эса “Jizzakh Auto” компанияси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими учун мазкур русумдаги тез тиббий ёрдам машиналарининг навбатдаги 100 дон янги партияси тақдим этилди. Натижада 2022 йилнинг декабрь ойи ва жорий йилда “103”

хизматига топширилган бундай автотранспорт воситалари сони 800 тага етди. Айтиш лозимки, бу галги 100 та автомашина Республика тез тиббий ёрдам марказининг Бухоро, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳри филиалларига мавжуд эҳтиёжга қараб тақсимланади.

Режага кўра, кейинги йилнинг биринчи чорагида яна 200 та “Volkswagen Caddy” русумидаги тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалари худудларга топширилади. Бу эса тизимнинг оперативлиги ва натижадорлигини таъминлаш ҳамда аҳолига янада сифатли тиббий хизмат кўрсатишга замин яратади.

@ssvuz



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилимиз: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда “O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana” газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 660 дон.
Буюртма рақами Г-1235.

Босмахонага
топширилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20-00.